2010 йил 22 июль, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 141 (11.702)

Баҳоси эркин нархда




## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Тадбиркорларимизнинг астойдил изланишлари, янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этишдаги ташаббуслари ички бозорни сифатли ва харидоргир маҳсулотлар билан таъминлашда самара берибгина қолмай, экспортни йўлга қўйишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.**



Ислоҳотлар оқимида

### ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу борада уларга замон талабларига мос технологик линия ва дастгоҳлар яқин кўмакчи бўлаяптики, шубҳасиз, ана шундай ишлаб чиқариш жараёнларида рақобатга чидамли маҳсулотлар тайёрланиб, иш унумдорлиги ҳам юқоридир. Буни «Toshkent manufaktura» хусусий корхонаси мисолида кўрадиган бўлсак, муваффақиятлар яққол кўзга ташланади.

Корхонада 30 киши иш билан таъминланган бўлиб, маҳсулот турларини 100 хилдан зиёд соч ювишга мўлжалланган шампунлар ҳамда тозалаш воситалари ташкил этади. Улар Россия, Туркия, Хитойдан келтирилган технологик линияларда тайёрланиб, харидор талаб, таклиф ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қадоқланмоқда. Сочларнинг тозалиги, мустаҳкамлиги ва соғломлигини таъминловчи бу маҳсулотларнинг барчаси сертификатланган ва ой сайин бозорни ўрганиш асосида янгиланиб борилади.

Ўтган йилда янги турдаги болалар шампуни, ювиш ва ювиниш учун суюқ совунлар ишлаб чиқаришга жорий этилди, шунингдек педикулёзни даволаш мақсадида ҳам шампунь тайёрланмоқда. Соч ювиш воситалари нафақат чиройли ва бежирим қадоқланиши, балки хушбўй ҳидлари билан ҳам харидорни жалб этмоқда.

Ички бозорда ўз ўрнини топаётган бу маҳсулотлар яқин келгусида қўшни давлатларга ҳам чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, бу, албатта, ўзига хос саъй-ҳаракатни талаб этади, яъни маҳсулотлар халқаро андозаларга жавоб бериши муҳимдир. Шу назарда тутилган ҳолда корхонада қўшимча хорижий инвестициялар ҳисобига янги цехлар ташкил этишга ҳаракат бошлаб юборилди. Германия, Туркия ва Хитойдан келтириладиган замонавий технологиялар асосида тайёрланадиган болалар шампунининг янги турлари, идиш ювиш учун гель, оқартирувчи воситалар истеъмолчиларга ажойиб совға бўлади. Албатта, янги цехнинг иш бошлаши натижасида қўшимча иш ўринлари ҳам яратилади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**
**Ҳаимжон Солиҳов олган сурат**

### САМОЛЁТЛАР ПАРКИНИ ЯНГИЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**ТОШКЕНТ. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги модификациядаги бешинчи Ил-114-100 самолётини қабул қилиб олди.**

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлар паркини тежамкор ва ҳар жиҳатдан қулай бўлган замонавий авиатехника билан янгилаш изчил давом этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2020 йилгача мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури бунда муҳим омил бўлмоқда.

Ил-114-100 русумли барча самолётларга замонавий ускуналар, энг янги авионика ўрнатилган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 2003 йилдан буён Ил-114-100 русумли ҳаво кемаларини ишлатиб келмоқда. Улар авиакомпаниянинг эскирган Як-40 ва Ан-24 самолётлари ўрнига парвозларни амалга оширмоқда. Ил-114-100 самолёти замонавий авиаташиш бозори талабларига мос бўлиб, учиш-техник ва иқтисодий хусусиятлари жиҳатидан афзалликларга эга. Самолёт 52 йўловчига мўлжалланган бўлиб, авиаёқилғи сарф қилиш бўйича жуда тежамкор ҳисобланади.

«Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Ил-114-100 русумли яна иккита самолётни қабул қилиб олади. Уларнинг биринчиси 2010 йилнинг охирида, иккинчиси 2011 йилнинг бошида авиакомпанияга топширилади.

Шу тариқа, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тежамкор ва қулай замонавий самолётларга эътибор қаратган ҳолда, ҳаво кемалари паркини янгилаш ишларини изчил давом эттирмоқда.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Мамлакатимиз ўзининг тарихий обидалари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари, юксак маданияти ва анъаналари билан кўплаб сайёҳларни жалб қилмоқда. ЎзА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.**

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

### ОРЗУИМ УШАЛДИ — ЎЗБЕКИСТОННИ КЎРДИМ

**Хан МЁНГ (Хитой):**

– Ўзбекистонга оилам билан келишни ният қилган эдим. Орзуим ушалганидан бахтиёрман. Қисқа фурсатда азим Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашиб кетибди. Айниқса, болаларнинг ёзги таътилни мароқли ва мазмунли ўтказиши учун яратилган шарт-шароитга ҳавасим келди. Рафиқам ва фарзандларим билан аввало Мустақиллик майдонига бордик. Муаззам майдон сайёҳлар билан гавжум. Мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган келин-куёвлар Бахтиёр она ҳайкали пойига гул қўймоқда. Уларнинг кўплари билан суҳбатлашдик. Ҳатто айримларининг тўйида ҳам иштирок этдик. Тўғрисини айтсам, бундай миллий урф-одатларга бой, файзли ва ғоят қизиқарли шодиёналарни кўрмаган эдик.

Тошкент ҳақиқатан ҳам жуда гўзал. Бу ердаги янгиланишлар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг яна бир намоёнидир. Шундай гўзал диёрда яшаётган халқингизнинг фаровон ҳаётига ҳавасим келди.

**Абелиа ДЕЛАБЕЛЬ хоним (Франция):**

– Тошкентга иккинчи келишим. Икки йил аввал «Style.Uz – 2008» дизайн ва мода ҳафталиги тадбирларида иштирок этган эдим. Ўзим модельер-дизайнерман. Шу боис мода янгиликларидан имкон қадар хабардор бўлиб бораман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ўзбек миллий матолари ва либослари фусункорлигию ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Хусусан, атлас ва адрас либосга ўзгача чирой бахш этади.

Бу гал ҳам Тошкентнинг кўп жойларини қизиқиш билан томоша қилишим асносида ширинсухан ва меҳмондўст халқингизга нисбатан қалбимда катта меҳр уйғонганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик барқарор эканига гувоҳ бўлдим. Бу ерда барча миллат ва элатлар вакиллари аҳил-иноқ турмуш кечираётгани бунинг ёрқин далилидир.

**Оқил Ал-ЖАДҲИЙ (Миср):**

– Саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Хива, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент каби мафтункор шаҳарларда бўлиб, машҳур тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилганимдан ғоят мамнунман. Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳри ўзига хослиги ва қадимийлиги билан ажралиб туради.

Ўзбек деҳқонлари меҳнатини алоҳида таъкидламоқчиман. Тарвуз-қовун, шафтолию олма таъми оғзимда қолди.

Тошкент бозорларида исталган маҳсулотни топиш мумкин. Ширин-шакар мевалар, хилма-хил маиший буюмлар, ранг-баранг миллий ва замонавий либослар ҳар қандай нозик дид эгасига манзур бўлади. Бозорларнинг тўкинлиги юрт фаровонлигидан далолатдир.

**Самир ЧАТТЕРЖИ (Ҳиндистон):**

– Ўзбекистонга оилам билан келдим. Саёҳатимиз жуда қизиқарли ва мазмунли ўтмоқда. Айниқса, фарзандларим жуда хурсанд. Бу ерда болалар мароқли дам олиши учун яратилган шароит ривожланган давлатлардагидан асло қолишмайди. Истироҳат боғларига, сузиш ҳавзаларига бордик. Ҳаммаёқ тоза-озода, файзли.

«Чорвоқ» дам олиш масканида бўлдик. У ернинг тоза ҳавоси, хушманзара табиати бизни лол қолдирди. Ўзбекистонда туризм жадал ривожланмоқда.

Пойтахтингизнинг соя-салқин боғлари, заррин фавворалари, кенг ва озода кўчалари, улкан иншоотлари, энг муҳими, меҳмондўст одамлари ҳар қандай сайёҳда бу ерга яна келиш орзусини уйғотади.

**Мадина УМАРОВА,**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **УЧТЕПА** туманида «Лидер аёллар» клубининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

✓ **СОБИР** Раҳимов тумани ҳокимлиги, Қизил Ярим Ой жамияти, «Маҳалла» жамғармаси бўлимлари ҳамкорлигида донорликнинг инсон саломатлигини асрашдаги аҳамиятига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташаббуси билан ёш журналистларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинар ташкил этилди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига Япониядан замонавий тиббий ускуналар ва жиҳозлар келтирилди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Самарқандда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва келгусидаги энг муҳим вазифаларга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини бажариш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди.**

**• Фарғона вилоятида энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз истиқлолининг 19 йиллиги олдидан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзуида давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, маданият ва санъат намояндалари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бўлиб ўтди.**

**• Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати республика кенгаши ташаббуси билан ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёзги таътил даврида уларни фойдали ижтимоий меҳнатга жалб этиш мақсадида олий ўқув юртлари талабаларининг “Бунёдкор-2010” меҳнат гуруҳлари ташкил этилди.**

**• Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси Тошкент вилояти филиали қошида пойтахт ва Сирдарё вилоятлари фермерлари учун минтақавий ўқув маркази очилди. Янги марказда «Фермер хўжаликлари негизида муқобил бизнесни ташкил этиш» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда хўжаликлар фаолият йўналишини кенгайтириш, жумладан, маҳсулотларни қайта ишлаш цехларини ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.**

**• Бахмал туманилик тадбиркор Абдумалик Ғайбуллаев ўзининг «Маннон бобо» фермер хўжалиги негизида сутни қайта ишлаш корхонасини ишга туширди. Лойиҳа қиймати 220 миллион сўмга тенг бўлган ушбу корхонада йилига 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Корхонани қўшимча технологиялар билан жиҳозлаш якунлангач, маҳсулот тури бештадан саккизтага ва ишчилар сони 15 нафарга етказилади.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Исроил ҳарбийларининг Ғазо секторини ўққа тутиши натижасида икки нафар фаластинлик ҳалок бўлди, тўрт киши тан жароҳатлари олди.**

**• АҚШ, Канада, Швеция ва Германия Санта-Клауслари Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида ўз съездларини ўтказадилар. Улар форумда ҳавонинг глобал исиши, ортиқча вазн муаммолари, болалар тарбияси, Рождество байрамини ёзга кўчириш имкониятлари каби ўнлаб муҳим мавзуларни муҳокама қиладилар.**

**• Буюк Британия олимлари Галактикадаги энг улкан юлдузни кашф этдилар. Ўз вазнига кўра қуёшдан 265 марта йирик ва 10 миллион марта ёруғ ушбу янги юлдуз Катта Магеллан булути галактикасида жойлашган бўлиб, ердан 165 минг ёруғлик йили узоқликдадир. Ҳозирча янги юлдузга ном берилмасдан, рақамланди.**

**• АҚШ маъмурияти «Бритиш петролеум» компаниясига Мексика кўрфазидаги шикастланган нефть қувурига ўрнатилган гумбазсимон мосламанинг юқори босимга дош бериш имкониятини аниқлаш бўйича синовини яна бир кунга узайтиришга рухсат берди.**

**• Польша, Болгария, Россия каби Шарқий Европа мамлакатларида кутилмаганда жуда юқори ҳарорат ҳукм сураётган бир вақтда Жанубий Американинг Парагвай мамлакатида рўй бераётган кучли совуқ натижасида 12 киши ҳаётдан кўз юмди. Шуниси қизиқки, Парагвайда шу кунларда ҳарорат – 10 даражага етган. Натижада Атлантика океани қирғоқларида кўплаб жониворлар ҳам ҳалок бўлмоқда.**

**• Европа комиссияси Швециянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи «Volvo» компаниясини Хитойнинг «Zhejiang Geeiy» холдингига сотиш тўғрисида тўхтамга келди. Комиссия қарорига кўра, икки компаниянинг бирлашуви автомобиль савдоси билан шуғулланувчи бошқа компанияларга жиддий зарар етказмайди. Негаки, холдинг бу ҳудудда камроқ машина сотиб келган.**

**Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу соҳани янада ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида жорий йилнинг ўтган ярим йиллигида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.**

Жамоат ташкилотлари фаолиятидан

# ТАДБИРКОР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

— Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида кичик ва хусусий бизнеснинг улуши ортиб бормоқда, — дейди Савдо-саноат палатаси шаҳар бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев. — Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бўладими, тадбиркорликнинг ўрни салмоқли бўлиб бораётир. Бундай сезиларли натижаларга эришишда, изчил ва том маънода тўсиқларсиз ривож топишида асосий омил мустаҳкам қонунчилик-ҳуқуқий негиз таъминланганидадир. Таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда назорат жараёнларининг камайиши тадбиркорларимизнинг ҳам, текширувчи органларнинг ҳам қонунчиликка бўйсуниш борасидаги масъулиятини янада кучайтирди. Айниқса, бизнес вакилларига мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ва 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари катта имкониятлар эшигини очди.

Шу йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида экспортга кўмаклашиш, кўргазмалар ўтказиш, замонавий минитехнологиялар жорий этиш, чет эл инвестицияларини жалб этиш борасида палата томонидан тадбиркорларга кенг ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 16 мингдан зиёд ишлаб чиқарувчи субъект 11 та кўргазма, ярмарка ва кооперация биржаларида иштирок этишига зарур шарт-шароитлар яратилди. Ушбу тадбирлар доирасида улар кўплаб ўзаро шартномалар тузишга муваффақ бўлди, шу жумладан 50 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотлари экспорт қилинди. Германия ва Франция давлатларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда уч марта иштирок этиб, ўнта йўналишда келишувлар имзоланди.

Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ўзаро манфаатли ҳамкорлик ишлари доирасида Жанубий Корея, Германия, Хитой, Россия, Туркия, Сингапур, Эрон, Бразилия, Малайзия, Туркманистон давлатларининг етакчи компаниялари билан алоҳида учрашувлар, шунингдек кооперация биржалари ўтказилди. Эътиборли томони, ушбу ўзаро манфаатли тадбирлар, ўз навбатида, юртимизда тинчлик-осойишталик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳукм сураётгани инобатга олинган ҳолда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини янада кенг жалб этишга асос бўлди. Пировардида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги корхоналар қатори ҳам кенгайиб, мавжудларини техникавий қайта жиҳозлаш, шунингдек банд бўлмаган аҳолининг ишга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиришга эришилди.

Кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тадбиркорлар манфаатини бюрократик тўсиқлардан халос этиш, назорат органларининг ноқонуний ва асосланмаган аралашувларидан ҳимоя қилишда кафолат бўлаётир. Ўз навбатида, тадбиркорлар ҳам тажриба орттиргани сари, авваллари йўл қўйган хато ва камчиликларидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бу борадаги ҳимоя воситалари хусусида ҳам етарли даражада билимга эга бўлмоқда. Палата томонидан бу йўналишда тадбиркорлар учун 100 дан зиёд ўқув-семинарлари ва давра суҳбатлари уюштирилди, 50 га яқин қайта тайёрлаш тадбирлари ўтказилди.

Палата ҳамкорлигида ўтган вақт ичида тадбиркорларнинг манфаатини судда ҳимоя қилиш мақсадида 132 та 20 миллиард сўмга тенг даъво аризаси киритилиб, шундан 79 таси тадбиркорлар фойдасига ҳал қилинди. Ярим йилликда назорат органларининг режали текширишидан 14 тасида палата вакиллари иштирок этиб, тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилди.

Уларга малакали ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиш ҳам палатанинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади ва бу борада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Сергели туманларида фаолият кўрсатаётган ахборот-маслаҳат марказлари замонавий хизмат кўрсатишга ихтисослашган бизнес марказига айлантирилди. Бунинг учун техник жиҳозлар, қўшимча воситалар Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг бевосита кўмагида олинди. Жорий йил бошидан ушбу марказлар томонидан 106 миллион сўмлик консалтинг хизмати, деярли 1,5 минг марта ахборот-маслаҳат кўмаги кўрсатилди.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, бошқарма Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг шаҳар комиссияси қошидаги жамоатчилик кенгашини бошқариб боради. Тадбиркорлар манфаати йўлида хизмат қилувчи мазкур кенгаш ташаббуси билан савдо мажмуалари, бозорлар ҳудудларида янги шакл-шамойилдаги «Ахборот» тахталари, «ишонч қутилари», шунингдек «ишонч» телефонлари жорий этилган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Иқтисодиёт

# МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

**«PGS» хусусий корхонаси ўз ўрни ва мавқеини бозоримизда мустаҳкамлаб олган ишлаб чиқарувчилардан ҳисобланади. Корхонада тайёрланаётган маҳсулот турлари ҳозирги кунга келиб 20 дан зиёдни ташкил этади.**

Ишлаб чиқарилаётган электр товарлар — кичик новвойхона, минипечь, иситкичлар, анъанавийлик билан замонавийлик ўзаро уйғунлашган сандал, қўра, ўчоқ, тандирлар, шунингдек тиббиётда қўлланиладиган кушеткалар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Эътиборли томони, хорижда тайёрланадиган шу турдаги электр товарларидан фарқли ўлароқ кўплаб афзалликларга эга. Маҳсулотларнинг барчасида экологик тоза, инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатувчи диэлектрик, яъни хавфсиз ашё — сопол кенг қўлланилади, чиройли дизайни, доимий мукаммаллаштирилиб, электр қуввати ҳам кам сарфланиши буюртмачиларни мамнун қилмоқда.

Ички ва ташқи бозорни чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, кўркамлиги, нисбатан арзонлиги боис буюртмачилар сафи кенгаймоқда. Кўплаб кўрик-танловлар, ярмарка, биржаларда ўз маҳсулотлари билан муваффақиятли қатнашиб, юқори ўринларга эришиб келаётган «PGS» жамоасининг бугунги кунда асосий мақсади маҳсулотларнинг сифат менежменти тизими ISO 9001-2000 халқаро стандарт талабларига жавоб беришига эришишдир.

# ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

**Кичик ва хусусий бизнес субъектлари учун давлатимиз томонидан яратилаётган қулай имкониятлар, ҳуқуқий ҳимоя туфайли уларнинг муваффақиятлари таъминланмоқда. Асосийси ички бозоримиз маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан тўлдирилмоқда.**

— Мустақиллигимиз шарофати билан ҳар бир жабҳада изчиллик билан бунёдкорлик кенг қулоч ёймоқда, — дейди «Maftus» хусусий фирмаси раҳбари Сухроб Йўлдошев. — Айниқса, иқтисодиётда юқори натижаларга эришилаётгани, тадбиркорликка кенг йўл берилиб, ҳар жиҳатдан шарт-шароитлар яратилаётгани бунинг яққол исботидир. Фирмамиз мисолида ҳам айтишим мумкинки, биз янгиликка қўл урдик. Деворга ёпиштириладиган гулқоғозлар ишлаб чиқарилиши биринчилардан йўлга қўйилди. Бу маҳсулот аввал фақат хориждан келтирилар эди. Имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда бу қурилиш ашёсини «Maftus» савдо белгиси билан ички бозорга чиқаряпмиз.

Импорт ўрнини босувчи ушбу маҳсулотлар турли ҳажмда тайёрланади. Харидоргир гулқоғозларни ёпиштиришда қўлланиладиган сифатли елим тайёрлаш ҳам корхонанинг ўзида амалга оширилмоқда. Қолаверса, замон талаби шуни тақозо қилади. Шуни эътиборга олган «Maftus»чилар айни пайтда қуруқ артишга мўлжалланган, қуёш нурларига чидамли маҳсулотларни талаб ва таклифлар асосида тайёрламоқда.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, ҳозирда яна бир янгиликка қўл уриляпти. Бир нечта янги турдаги маҳсулотлар Мустақиллик байрамига туҳфа сифатида ишлаб чиқаришга жорий этилади.

# ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ

**Иқтисодиётимизда амалга оширилаётган изчил islоҳотлар хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Жадал давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни чет эл ишбилармонларининг мамлакатимизга қизиқишини янада оширмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ республикамизда хорижий корхоналар кўпайиб бормоқда.**

Бугунги бозор ва харидор талабларига мос маҳсулотларни тайёрлашда фақат тадбиркорлик билан изланишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу йўлда замонавий техникалардан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. 2004 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Нобелфармсаноат» хорижий корхонаси бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда. Юқори қувватли технологик линиялар мададида ҳозирда 200 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бу хорижий корхонада 30 турга яқин дори-дармон ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамизда Германия ва Италиянинг юқори технологик линиялари ўрнатилган, — дейди корхона менежери Николай Аҳмедов. — Шу ўринда айтиш жоизки, айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар илгари импорт қилинар эди.

Шуниси ҳам эътиборлики, «Нобелфармсаноат» ХК нафақат ички бозорга, балки Марказий Осиё давлатларига маҳсулот чиқармоқда. Самарали технологиялар асосида хорижий буюртмачилар талаби ҳам тез ва соз уддаланмоқда.

Корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, яқин келажакда жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган фармацевтика заводини қуриб, ишга тушириш, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратиш мақсад қилинган.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

# БИТИРУВЧИЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан ўтказиб келинаётган анъанавий бўш иш ўринлари ярмаркалари ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Мазкур бошқармадан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида йигирмадан ортиқ меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, уларда 200 дан зиёд корхона ва ташкилот мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашган.

Баркамол авлод йили Давлат дастури ижроси доирасида пойтахтимизнинг Миробод туманида бўлиб ўтган ана шундай меҳнат ярмаркасида иштирок этганларнинг аксариятини олий ўқув юртлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари ташкил этди. Ярмаркада битирувчиларнинг 146 нафари ишга кириш учун йўлланма олди.

– Яқинда Тошкент темир йўл касб-ҳунар коллежини битирдим, – дейди ЎзА мухбирига Бекзод Усмонов. – Ярмаркада қатнашиб, Тошкент темир йўл станциясига ишга кириш учун йўлланма олдим.

**Х.САЛИМОВ**



# ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

**Ёзги таътил пайтида болажонларимиз сўлим табиат қўйнида мароқли ҳордиқ чиқармоқда. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тоғ бағрида жойлашган «Тошшаҳаргаз» бошқармаси тасарруфидаги «Зангори олов» соғломлаштириш оромгоҳида ҳам ўғил-қизларнинг яйраб дам олиши учун барча шароитлар яратилган.**

Мевали боғ ва узумзорлар қўйнидаги бу оромгоҳда бир босқичда 220 нафар болажон саломатлигини тиклашлари учун шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирда айниқса оромгоҳ марказида жойлашган баскетбол, волейбол, футбол майдончаларидан иборат спорт мажмуаси ўқувчилар билан гавжум. Унинг ёнида сув ҳавзаси ҳам жойлашган.

— Бу йил оромгоҳ бир нечта янги телевизор ва DVD проекторлари билан таъминланди. Компьютер синфида эса болалар мактабда олган фан асосларини мустаҳкамлаш имкониятига эга, турли ўйинлар ўйнаб, билим доираларини оширмоқда, — деди оромгоҳ бошлиғи Йўлдош Холметов.

Оромгоҳда ўтказилаётган ранг-баранг тадбирларда болажонлар фаол иштирок этмоқда. Спартакиадалар, қувноқ стартлар, спорт рақслари ва пирамидалар танловлари, саёҳатларда улар айниқса яйрамоқда.

**И.ДИЛШОДОВ**

**СУРАТЛАРДА: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

# БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ОНЛАРИ

**Болажонларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиши, яхши дам олиб, ҳордиқ чиқариши учун оромгоҳларда қатор маънавий-маърифий учрашув, анжуманлар ташкил этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири, деб хабар беради «Туркистон-пресс», Тошкент вилоятида жойлашган «Билдирсой» оромгоҳида бўлиб ўтди.**

Тадбир Маънавият тарғибот маркази Мирзо Улуғбек тумани бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, маданият уйлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур оромгоҳда ўзига яраша фондига эга бўлган кутубхона, дам олувчиларнинг саломатлигини назорат қилиб турувчи тиббий шохобча, ошхона, баскетбол, мини ва катта футбол майдони, сузиш ҳавзасини ўзида қамраб олган спорт мажмуаси, кино ва тадбирлар зали, турли тўгараклар мавжуд бўлиб, барча-барчаси, ҳатто гўзал табиат ҳам болажонлар ихтиёрида.

Тадбирда иштирок этган ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар болажонлар билан мулоқотда ёшларнинг шу диёрга садоқатли ва фидойи инсонлар бўлиб камол топиши учун яратилаётган шароитлар ва имкониятлар ҳақида фикр юритишди, шунингдек салбий иллатларнинг оқибатлари хусусида ҳам тўхталиб ўтишди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА**

**Собир Раҳимов тумани «Янги Себзор» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими ташаббуси билан адабиёт, санъат, бошқа соҳа вакиллари билан учрашув ўтказилди.**

# «ЯНГИ СЕБЗОР»ДА УЧРАШУВ

Тадбирда истиқлол халқимизга ўз қадр-қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имконини берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, юртимизда озод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам гарови бўлиб келаётгани ҳақида сўз борди.

Учрашув давомида кейинги йилларда туман миқёсида олиб борилган ислоҳотлар хусусида алоҳида фикрлар билдирилди. Таъкидланганидек, кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, тарихий масканларни таъмирлаш ишлари амалга оширилган ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Янгидан-янги ижтимоий-маданий объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилаётгани ҳам диққатга сазовор. Туманда кўплаб таълим-тарбия масканлари халқаро андозалар даражасида таъмирланиб, таълим сифати ва мазмуни яхшиланмоқда. Буларнинг барчаси замирида аҳоли, ёш авлоднинг нурли келажагини янада яхшилаш мақсади ётади.

Тадбир доирасида интеллектуал ўйинлар ҳам уюштирилиб, маҳалла ёшлари ўз фаоллигини намойиш этди. Санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури эса йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**«Туркистон-пресс»**

